

**Давлат органларига доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари
ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган
юрidik ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар
(2021 йил 30 июнь ҳолатига)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда 16 та давлат-хусусий шериклик лойиҳа концепциялари юзасидан бугунги кунга қадар хусусий шериклар билан 8 та давлат-хусусий шериклик битими имзоланди.

Жумладан, Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Наманган туманлари (1-лот) ҳамда Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри (2-лот) бўйича 1- ва 2-сон битим хусусий шерик **“Наманган Мусаффо иқлим” МЧЖ** билан, Бухоро вилоятининг Когон, Қоравулбозор ва Бухоро туманлари бўйича 3-сон битим хусусий шерик **“Аҳоли транс” МЧЖ** билан, Фарғона вилоятининг Сўх тумани бўйича 4-сон битим хусусий шерик **“FARG’ONA POKIZA TOZALOV SERVIS” МЧЖ** билан, Фарғона вилоятининг Фурқат тумани бўйича 5-сон битим хусусий шерик **“Фурқат Маржони 2020” МЧЖ** билан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳар ва Тошкент тумани бўйича 6-сон битим хусусий шерик **“ZANGIOTA OBODON” МЧЖ** билан, Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани бўйича 7-сон битим хусусий шерик **“SANITAR EKO SERVIS” МЧЖ** билан ҳамда Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Қўштепа ва Ёзёвон туманлари (1-лот) бўйича 8-сон битим хусусий шерик **“VODIY MAXSUS SANITAR TRANS” МЧЖ** билан имзоланган.

Мазкур давлат-хусусий шериклик битимларига мувофиқ хусусий шерикларга давлат корхоналарининг махсус автотранспорт воситалари 7 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган. Шунингдек, чиқинди йиғиш шахобчалари ва контейнерлари ва маиший чиқинди полигонлари саралаш технологияларини жорий қилиш шарти билан 10 йил муддатга беғараз фойдаланиш учун бириктириб берилди.